Навоий шахар хокимининг

2007 й. "13" 12

К-21831/120 сонли

карорига асосан

"РУЙХАТГА ОЛИНГАН"

# "NAVOIY- EVRO-RUBEROID"
## масъулияти чекланган жамиятининг
## УСТАВИ

«NAVOIY-EVRO-RUBEROID»
масъулияти чекланган
жамияти таъсисчиларининг
2007 йил "12" 10
таъсис шартномасига
асосан
"ТАСДИКЛАНГАН"

Навоий ш.

## 1. УМУМИЙ КОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Узбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тугрисида" ги, "Масъулияти чекланган хамда кушимча мажбуриятли жамиятлар тугрисида" ги конунлари ва Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли "Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун руйхатдан утказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тугрисида" ги карорлари ва бошка норматив хукукий хужжатларга асосан ишлаб чикилган.

1.2 "NAVOIY-EVRO-RUBEROID" масъулияти чекланган жамияти бундан кейин «Жамият» деб юритилади, жисмоний шахслар:

- Навоий вилояти Навоий шахар Меъморлар кучаси 15-уй, 35-хонадонда истикомат килувчи, паспорт CN 0421651, Навоий шахар ИИБ томонидан 1999 йил 06 майда берилган, ФАЙЗИЕВ ИБРАГИМ АХМАДЖОНОВИЧ;
- Навоий вилояти Хатирчи тумани Лангар кургонида истикомат килувчи, паспорт CN 0827442, Навоий вилояти Хатирчи тумани ИИБ томонидан 2007 йил 18 августда берилган, МАХАМАДИЕВ АБДУРАСУЛ АБДУРАЗЗОКОВИЧ томонидан таъсис этилади.

1.3. Жамиятнинг тулик номи "NAVOIY-EVRO-RUBEROID" масъулияти чекланган жамияти.

Жамиятнинг кискартирилган номи: "NAVOIY-EVRO-RUBEROID" МЧЖ

1.4. Жамият юридик шахс хисобланиб, думалок ва туртбурчак мухрларига, банк муассасаларида жорий ва валюта хисоб ракамларига эга, уз номидан шартномалар тузиш хукукига, мулкчилик ва хусусий мулкчилик булмаган хукукларни сотиб олишга, судда жавобгар ва давогар булиш хукукига эга.

1.5. Жамият уз фаолиятини таъсисчиларининг хусусий мулкига, уз ташкилотлари, давлат ва фукаролар мулкига асосланган холда олиб боради. Жамият тула хужалик хисобида иш юритиб, тузган шартномалари асосида уз шериклари олдида олинган мажбуриятларини бажариш учун, давлат бюджети ва банк муассасалари олдида харакатдаги конунчилик асосида жавобгар.

1.6. Жамият Узбекистон Республикасида ва бошка чет эл давлатларида узининг булимларини, вакилликларини очишга, бошка жамият ва ташкилотларга таъсисчи булиш хукукига эга.

Жамиятга таъсисчи сифатида юридик ва жисмоний шахслар маблаги ва бошка кучмас мулклари билан таъсисчи булиб киритилиши мумкин.

1.7. Ушбу Уставга узгартириш ва кушимчалар киритиш таъсисчи карорига асосан амалга оширилади ва Навоий шахар хокимлигида руйхатга олинади.

1.8. Жамият Узбекистон Республикаси Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тугрисида" ги, ва бошка тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи норматив хужжатларда изох берилган хукук ва мажбуриятларга эга.

1.9.Жамият манзилгохи: Узбекистон Республикаси, 210100, Навоий вилоят, Навоий шахар Меъморлар кучаси 15-уй, 35-хонадон.

## 2. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИ МАКСАДИ ВА ТУРЛАРИ.

2.1. Жамият фаолиятининг асосий максади:

Истемол бозорини товарлар ва хизматлар билан тулаконли таъминлаш,олинган даромадлар асосида ишчи коллектив ва мулкдорнинг ижтимоий ва иктисодий кизикишларини амалга ошириш;

Махаллий хом-ашё ва ишлаб чикариш кучларидан эффектив фойдаланиш.

2.2. Жамият уз фаолиятини пул кучириш ва накд пулга хисоб-китоб килиш йули билан куйидаги йуналишларда амалга оширади:

- курилиш материалларини ишлаб чикариш, сотиб олиш ва сотиш, курилиш, курилиш-монтаж ва электр-таъмирлаш ишлари билан шугулланиш;
- умумий овкатланиш шахобчаларини, ошхоналар, кахвахоналар, ресторанлар, музкаймок ва газли сув дуконлари очиш;
- когоз ишлаб чикариш ва сотиш;

- нон ва нон махсулотлари, кондитер, шарк халклари ширинликлари ишлаб чикариш, сотиб олиш ва сотиш;
- дорихоналар очиш, чакана савдо фаолияти билан шугулланиш;
- халк истеъмол моллари, саноат, озик-овкат молларини ишлаб чикариш, сотиб олиш ва сотиш;
- кучмас мулк, агросаноат, товар, кимматли когозлар, хом-ашё биржаларида брокерлик урни очиб, операциялар утказиш;
- кишлок хужалиги, чорвачилик, паррандачилик, баликчилик махсулотларини ишлаб-чикариш, кайта ишлаш, кайта тайёрлаш, сотиб олиш ва сотиш;
- хом ашё биржа савдоларида иштирок этиш;
- кимматли когоз фонд бозорларда иштирок этиш;
- ташки иктисодий фаолият буйича хизмат курсатиш ишлари (дилерлик, дистибьютерлик, экспорт, импорт, консалтинг, маркетинг ва бошка хизматлар);
- воситачилик фаолияти;
- суюлтирилган кислород ва ундан газсимон кислород ишлаб чикариш, таъмирлаш ва сотиш;
- газ линияларини тортиш ва таъмирлаш;
- мехмонхоналар очиш ва ахолига хизмат курсатиш;
- алкоголли ва алкоголсиз ичимликлар сотиб олиш ва сотиш;
- транспорт воситалари билан ахолига ва юридик шахсларга хизмат курсатиш;
- реклама ишлари ва реклама панноллари, видеокасеталар сотиш билан шугулланиш;
- ташки иктисодий фаолият билан шугулланиш;
- фаолиятни махсус рухсатнома (лицензия) талаб килинадиган турларига амалдаги конунлар асосида лицензия олинади;
- ва бошка Узбекистон Республикаси конунчилигида такикланмаган фаолиятлар билан шугулланади.

## 3. БОШКАРУВ

3.1. Жамият бевосита таъсисчиларнинг умумий йигилиши томонидан бошкарилади.

3.2. Таъсисчилар умумий йигилиши жамиятнинг иктисодий ва ижтимоий ривожлантириш режаларини куриб чикади ва тасдиклайди,тузилиши ва штат жадвалини узгартириш,мехнат тартиби хакида карорлар кабул килади,фирманинг ички ва хужалик фаолияти хужжатларни тасдиклайди ва карорлар кабул килади.

3.3. Асосий воситаларни ижарага бериш,сотиб олиш ва сотиш,гаровга куйиш хамда асосий восита микдорида гарант масалалари таъсисчи томонидан тасдикланади.

3.4.Таъсисчилар умумий йигилиши жамиятни кундалик бошкариш учун Директорни, бош хисобчини ва бош мутахассисларни тайинлайди,улар бевосита таъсисчига хисобот беришади.

3.5. Директор жамият номидан иш олиб боради, бошка юридик ва жисмоний шахслар билан жамият манфаатини ёклайди, шартномалар тузади, ишонч когозлари беради, банк муассасаларида жорий ва валюта хисоб ракамларини очади.

3.6. Жамият директори унинг фаолияти учун моддий, жамият тасарруфидаги мулк ва воситалар учун жавобгар, буйруклар ва фармойишлар чикаради, мехнат конунчилигига биноан ишчини билан контракт ёки мехнат шартномаси асосида ишга кабул килади ва ишдан озод этади, узига берилган хукуклар доирасида жамият мулкини тасарруф этади.

3.7. Бош хисобчи ташкилот ва корхоналар бош хисобчилари хакидаги коидаларда курсатилган хукук ва жавобгарликка эга.

3.8. Жамият Директори куйидаги ваколатларга эга:

- шартномаларга асосан бажарилиши керак булган ишларни уз вактида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;
- керакли ташкилотларга уз вактида жамият фаолияти хакида хисобот бериш;
- мехнат хакидаги конунчилик,мехнат мухофазаси коидаси ва хафсизлик техникасига риоя килишни таъминлаш;
- Жамиятнинг Устав фаолиятига асосан бошка хукукларни амалга оширади.

## 4. МУЛК ВА ВОСИТАЛАР.

4.1. Жамият мулкини куйидагилар ташкил килади:

- таъсисчилар томонидан таъсис шартномасига асосан ажратилган асосий ва айланма воситалар;
- Жамият томонидан сотиб олинган моддий кийматлар,асосий ва айланма воситалар.

4.2. Жамият маблаглари куйидаги манбалардан ташкил топади:

- таъсисчиларнинг пул ва моддий маблаглари;
- хизмат, иш ва товарлар сотишдан олинган даромад;
- ташкилот ва банк муассасаларидан олинган карзлари;

4.3. Бошлангич Устав жамгармаси таъсисчиларнинг таъсис шартномасида курсатилган мулк ва маблаглардан ташкил топади.

4.4. Таъсисчилар Устав жамгармасини уз маблаглари (асосий воситалар,кучмас мулк,кимматбахо когозлар, хадя ва конунга хилоф булмаган бошка тушумлар) хисобига купайтириши мумкин.

Вактинчалик айланма маблагларни тулдириш учун Жамият банк муссасаларининг киска вактли карзлари, бошка юридик шахс ва фукароларнинг вактинчалик молиявий ёрдамидан фойдаланиши мумкин.

4.5. Жамият илмий-техник ва ижтимоий ривожланиш максадида конунда курсатилган тартибда кимматбахо когозлар чикариши ва сотиш хукукига эга.

4.6. Таъсисчилар Жамият фаолиятида содир булган зарарлар учун Низом жамгармасига ажратган маблаги микдорида жавоб беради, Жамият таъсисчининг бошка шахслар билан булган карзлари учун жавоб бермайди.

4.7. Жамият Устав фонди – 1000000 (бир миллион) сумдан иборат булиб. таъсисчиларнинг пул маблаглари хисобига ташкил этилади, ва улар уртасида куйидагича таксимланади:

- ФАЙЗИЕВ ИБРАГИМ АХМАДЖОНОВИЧ томонидан 500000 (беш юз минг) сум ёки Устав жамгарманинг 50 % ни ташкил этади;
- МАХАМАДИЕВ АБДУРАСУЛ АБДУРАЗЗОКОВИЧ томонидан 500000 (беш юз минг) сум, ёки Устав жамгарманинг 50 % ни ташкил этади;

4.8.Жамият давлат руйхатига олинаётган пайтда иштирокчиларнинг хар бири таъсис хужжатларида курсатилган улушнинг камида 30 фоизини киритишга мажбурдир. Иштирокчилар улушнинг колган кисмини жамият давлат руйхатидан утгандан сунг бир йил давомида тула киритишлари мажбурийдир.

## 5.ИШЛАБ-ЧИКАРИШ-ХУЖАЛИК ВА МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТ.

5.1. Жамият уз фаолияти йуналишини мустакил белгилайди,ишлаб чикарилган товарларни тасарруф килади,бозор эхтиёжидан ва таъсис шартномасидан келиб чикган холда ривожланиш истикболини белгилайди.

Жамиятнинг хужалик фаолияти истемолчилар ва буюртмачилар билан шартномалар асосида,накд пулга ёки кучириш йули билан амалга оширилади.

5.2. Жамият фаолиятининг йиллик режалари,унинг тузилган битими ва шартномалари асосида ишлаб чикарилади ва таъсисчи томонидан тасдикланади.Шунингдек,Жамият иктисодчилари томонидан максадли дастурлар ишлаб чикилиши мумкин.

5.3. Жамиятнинг пул маблаглари жамиятнинг йиллик даромади ва харажатлари режа (смета) си асосида ташкил этилади,таксимланади ва ишлатилиши таъсисчи томонидан тасдикланади.

5.4. Жамият ихтиёридаги соф фойдадан куйидаги жамгармаларни ташкил этиш мумкин:

а)ишлаб чикаришни кенгайтириш ва ижтимоий ривожлантириш жамгармаси.

б)мехнатга хак тулаш жамгармаси.

в)мукофот жамгармаси.

г)резерв жамгармаси.

д)таъсисчи жамгармаси.

е)жамият фаолиятини ривожлантириш учун зарур булган бошка жамгармалар.

5.5. Жамгармаларга йуналтириладиган маблаглар микдори ва улардан фойдаланиш тартиби таъсисчи томонидан белгиланади ва тасдикланади.

5.6. Жамият карз (кредит) шартномаларининг тулов интизомини сузсиз бажаришга кафолат беради ва жавобгарликни уз зиммасига олади.

5.7. Соликлар,муассасаларга ажратмалар ва бюджетга бошка туловлар тулангандан кейин коладиган соф фойда таъсисчи мулки хисобланади ва мусодара этилмайди.

## 6. МЕХНАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ХАК ТУЛАШ.

6.1.Жамият билан фукаролар уртасида муомала,тузилган шартномалар (контракт) ва Узбекистон Республикаси конунчилигига асосан тартибга солинади.

6.2.Жамият унумли мехнат учун шароит яратади,мехнат хакидаги конунчиликка,мехнат мухофазаси коида ва нормаларига,хавфсизлик техникасига, ишлаб чикариш санитариясига,давлат ижтимоий сугуртасига, мехнат интизомига риоя килишни таъминлайди.

6.3.Жамият директори Жамият номидан ходимларни ёллайди, улар билан контракт (мехнат битими) тузади. Битим кейин чузиш эхтимоли билан бир йилдан куп булмаган муддатга тузилади.

6.4.Жамиятни хар бир ходимининг мехнат даромадини микдори унинг кушган шахсий хиссаси ва бутун Жамиятни ишининг приворд натижаларига караб белгиланади,соликлар билан бошкарилади,максимал микдори билан чекланмайди. Даромаднинг бошка турларини Жамият узи мустакил белгилайди.

6.5.Жамият ходимларининг сони унинг фаолиятини жорий режаларига караб белгиланади.

6.6.Жамият директори хар бир ходимни ишга кабул килиш (мехнат дафтарига туширган холда) ва ишдан бушатиш хукукига эгадир.

## 7. ХИСОБ-КИТОБ ВА НАЗОРАТ.

7.1. Жамият хужалик фаолияти юзасидан тегишли тартибда хисоб-китоб ишларини юритади.Шунингдек тегишли тартибда бухгалтерия ва статистик хисобот тузади.

7.2. Жамият иш фаолияти юзасидан Навоий шахар Давлат солик инспекциясига хисобот бериб боради.Давлат статистика ва солик идораларига топширилган хисоб-китобдаги камчиликлар,нотугри маълумотлар учун шахсий жавобгарлик Жамият мансабдор шахслари зиммасига юклатилади.

7.3. Жамият ва текширув инспекциялари уртасидаги келишмовчиликлар конунчилик асосида бартараф килинади.

## 8. ЖАМИЯТНИНГ ТУГАТИЛИШИ ВА КАЙТА ТАШКИЛ КИЛИШ ТАРТИБИ.

8.1.Жамиятни тугатиш ва кайта ташкил этиш (бирлаштириш,кушиш,булиб юбориш,ажратиш),корхона тасисчиларининг ёки хужалик судининг карорига биноан амалга оширилади.Жамиятни тугатилиши амалдаги конунчиликка мувофик олиб борилади.

8.2.Жамиятни кайта ташкил этиш ва тугатиш чогида ишдан бушатилаётган ходимларга конунчиликка мувофик уларнинг хукуклари ва манфаатларига риоя этилишига кафолат берилади.

8.3.Жамият тугатилишида,унинг барча мажбуриятлари тулангандан сунг колган барча моддий ва молиявий мулки таъсисчи тасарруфига утади.

8.4.Жамият давлат руйхати реестридан чикариб юборган вактдан бошлаб кайта ташкил этилган ёки тугатилган хисобланади.

«NAVOIY-EVRO-RUBEROID» масъулияти чекланган жамияти таъсисчилари

_________ И.А. Файзиев

_________ А.А.Махамадиев